



**Adliya vazirligi**

(ro'yxatdan o'tkazuvchi organing nomi)

**Nodavlat notijorat tashkilotini davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida**

**GUVOHNOMA**

428p -son 2025 yil - 15 - Dekabr

Nodavlat notijorat tashkilot nomi: O'ZBEKISTON KASABA UYUSHIMALARI FEDERATSIYASI

Faoliyat hududi: Respublika HNT

(HNT faoliyati talab etiladigan hudud viloyat, tumen, shahar, shaharcha va shah)

Tashkiliy-huquqiy shakli: 210-lamba birlashmasi

(HNTning jamoat birlashmasi, jamoat fondi, muassasasi, uyushmasi/yozuvchisi) va birlashmasi)

KTUT: 00014491

STIR: 201625882

Faoliyatining asosiy maqsadlari: Federatsiyaga a'zo tashkilotlarning ustav vazifalarini bajarishdagi isy-  
harakatlari muvofiqlashtirish, shuningdek, umumiy manfaatlarini ifoda etish va himoya qilish, amaldagi  
qonunchilik doirasida ularning huquqiy kafolatlari ta'minlashdan iborat

Qo'shimcha ma'lumotlar \_\_\_\_\_

Vazir o'rinbosari



MUXAMMADIYEV NU'MON

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
“ҚАЙТА ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ”

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси IX Курултойининг  
2025 йил 1 ноябрдаги IX-12-сон  
қарорига илова



## I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда Федерация деб юритилади) – касаба уюшмалари томонидан ихтиёрийлик асосида тузилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган уюшма ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги Бирлашма ҳисобланади.

1.2. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек, Федерация таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.3. Федерация ўз тузилмаси, фаолиятининг мақсад, шакл ва услубларини белгилашда эркиндир, мустақил равишда ўз органларини шакллантиради ва штатдаги ходимлар аппаратини тузади.

1.4. Федерация ўзининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилади, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиб кириши ва аъзолликдан чиқиши мумкин.

1.5. Федерация ўз фаолиятида давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, нодавлат иқтидорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

1.6. Федерация ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

1.7. Федерациянинг номланиши:

ўзбек тилида: Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси; қисқартмаси –  
ЎКУФ;

рус тилида: Федерация профсоюзоз Узбекистана; қисқартмаси – ФПУ;

инглиз тилида: Federation of Trade Unions of Uzbekistan; қисқартмаси – FTUU.

1.8. Федерациянинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органининг жойлашган ери (почта манзили): 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

## 2. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерация аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амаддаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш мақсадида тузилган.

2.2. Федерация ўз мақсадларига эришиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқади, аъзо ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади;
- уч томонлама ижтимоий мулоқот ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширишга ва ривожлантиришга кўмаклашади;
- Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бош жамoa келишувини, шунингдек, аъзо ташкилотларнинг манфаатларига жавоб берадиган бошқа келишувларни ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан чиқади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;
- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига таъдиқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг муносиб турмуши ва ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган шароитлар яратиш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли катламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- хорижий давлатларнинг турдош касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари билан алоқаларни йўлга қўйишда аъзо ташкилотларга кўмаклашади;
- таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил қилади, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради;
- касаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этади;
- маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, санаторий ва курортларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришда ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан берувчилар ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳаракат қилади;



- нашриётчилик фаолиятини олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилади, касаба уюшмаларининг ахборот хизматини ривожлантиради;

- Федерация тизимида маданият, дам олиш, туризм, спорт ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция қилиниши ва жорий таъмирланишида буюртмачи бўлади ёки буюртмачи қилиб бошқа субъектни тайинлайди.

Федерация қонунчиликда ва ушбу Уставда белгиланган мақсадларига эришадиган бўлмаган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

**2.3. Федерация касаба уюшмалари ташкилотларининг қуйидагиларга қаратилган савий-ҳаракатларини бирлаштиради ва қўллаб-қувватлайди:**

- миллати, irqи, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар, касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат қилиш, эркин иш ва касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитига ва ишсизликдан ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига;

- максимал даражада бандлиқнинг таъминланиши, даромадларининг оширилиши ва мулкий табақаланиш даражасининг камайтирилишига;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий адолатли тизими жорий этилишига;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига мувофиқ ишловчиларнинг маълумоти оширилиши ва касбий қайта тайёрланишига;

- меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишига;

- давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан меҳнатқашларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва юрт оёқостидалигини сақлаш борасида ўзаро ҳамкорлик олиб борилишига;

- меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик йўлга қўйилиши, жамoa музокараларининг ташкил этилиши, жамoa шартномалари ва келишувлари тузилиши, уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

- ходимлар ва уларнинг oila аъзоларини соғломлаштириш, маънавий салоҳиятини юксалтиришга, оммавий спортни тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этилишига, шунингдек маданият, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, санаторийлар, профилактика марказлари, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига қўмаклашишга.

**2.4. Давлат Федерация фаолиятини субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тарзда ҳам қўллаб-қувватлаш мумкин.**



### 3. ФЕДЕРАЦИЯГА АЪЗО ТАШКИЛОТЛАР, УЛАРНИНГ ХУКУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Федерациянинг таъсисчилари, шунингдек ушбу уставда белгиланган тартибда Федерация таркибига қабул қилинган қасаба уюшмалари Федерациянинг аъзо ташкилотларидир.

Аъзо ташкилотлар тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан ёки бошқа белгисидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

3.2. Федерацияга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ҳақидаги қарор Федерация Ижроия қўмитаси номига ёзилган ариза асосида қабул қилинади.

Аризага аъзоликка кирмоқчи бўлган ташкилотнинг коллегиял органи қарори, Устави ва давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аъзолар сони ҳақидаги маълумот илова қилинади.

3.3. Федерацияга қабул қилиш рад этилганда бу масала юзасидан аъзоликка кирувчи ташкилот Федерация Бош кенгашининг навбатдаги мажлисига мувожаат қилиши мумкин.

3.4. Аъзо ташкилотларнинг уставлари Федерациянинг таъсис ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак.

#### 3.5. Қуйидаги ҳолларда Федерацияга аъзолик тўхтатилади:

- аъзо ташкилот тугатилганда;
- аъзо ташкилот Федерация таркибидан чиққанда;
- аъзо ташкилот Федерация аъзолигидан чиқарилганда.

3.6. Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарори фақат унинг Қурултойида қабул қилиниши мумкин.

Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиш масаласи кун тартибига киритилган Қурултойи ўтказилиши тўғрисида аъзо ташкилот Федерацияни камидан бир ой олдин расман ёзма равишда хабардор қилиши керак. Ушбу Қурултойда Федерация вақили иштирок этишига ҳақлидир.

Аъзо ташкилотнинг Федерация таркибидан чиқиши тўғрисида юқорида келтирилган ва тармоқ қасаба уюшмасининг уставида белгиланган тартибда қабул қилинган қарори у қабул қилинган санадан кўпи билан бир ой ичида Федерацияга ушбу аъзо ташкилотнинг расмий хати билан тақдим этилиши лозим.

3.7. Федерациядан чиқиш ҳақидаги қарор уч ой муддатда Федерация Ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинган қарор нусхаси 3 (уч) иш кунни давомида ариза берувчига юборилади. Бунга қадар аъзо ташкилот Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талабларини бажаришига мажбур.

3.8. Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талаблари ва Федерация аъзолик бадалини тўламаётган органлари қарорларини бажармаётган, Федерацияга аъзолик бадалини тўламаётган (аъзолик бадалини тўлаш ўрнатилган тақдирда) аъзо ташкилот Федерация Ижроия қўмитасининг қарорига биноан Федерация аъзолигидан чиқарилиши мумкин.



Агар қарорда аъзоликдан чиқаришнинг аниқ санаesi кўрсатилмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб аъзо ташкилот Федерация аъзолигидан чиқарилган ҳисобланади.

Федерация аъзолигидан чиқаришга сабаб бўлган омиллар (сабаблар) бартараф этилган ҳолда ташкилот ушбу Уставнинг 3.2.-бандида кўзда тутилган тартибда қайтадан Федерация аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Бунда аъзоликдан чиқаришга сабаб бўлган омиллар (сабаблар) бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжат (ҳужжатлар) тақдим этилиши лозим.

Икки ёки ундан ортиқ аъзо ташкилотлар қўшилганда уларнинг ҳуқуқий вориси Федерациянинг аъзо ташкилоти бўлиб қолади.

Аъзо ташкилотни бўлиниши натижасида янги ташкил этилган касаба уюшмаси (уюшмалари) ушбу уставнинг 3.2.-бандида белгиланган тартибда Федерацияга аъзоликка қабул қилинади.

### 3.9. Аъзо ташкилотларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг таъсис ҳужжатларига ва дастурий ҳужжатлари принципларига зид келмайдиган дастурий ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

- ўз вакилларини Федерациянинг Бош кенгаши таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш ва янгиларини сайлаш;

- Федерация органларига касаба уюшмалари фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича мурожаат қилиш, тушунтириш ва ахборот олиш;

- фаолиятга доир ҳужжатлар лойиҳаларини Федерация органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

- ўз вакиллари орқали Федерациянинг коллегиял органлари ишида иштирок этиш;

- ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларига Федерациянинг таклифларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Бош жамоа келишуви лойиҳасига ўз таклифларини киритиш ва Федерациянинг ушбу йўналишдаги фаолиятида қатнашиш;

- Федерациянинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва жамғармаларини тузишда иштирок этиш;

- Федерация мулкидан фойдаланиш ва уни бошқаришда иштирок этиш;

- касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш, ўз фаолияти учун зарур ахборот олиш ва тарқатишда Федерация имкониятларидан фойдаланиш;

- касаба уюшмаси ходимларини ва фаолларини Федерация мукофотлари, нишонлари ва Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш туғрисида белгиланган тартибда таклифлар, шунингдек, уларни Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга таъсис этиш бўйича Федерация томонидан қўллаб-қувватлашни сўраб таклифлар киритиш.



### 3.10. Аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг таъсис ҳужжатлари талабларини бажариш;
  - Федерация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
  - Федерация органларининг мазкур Уставга мувофиқ қабул қилган қарорларини бажариш, шу жумладан Федерация раисининг тавсиясига биноан Федерация вакилини ўзининг Ижроия қўмитаси аъзоллигига киритиш;
  - Федерация, иш берувчиларнинг Республика бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузиладиган Бош жамоа келишувининг бажарилишига қўмаклашиш;
  - Федерация ва унинг аъзо ташкилотлари манфаатларини камситадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
  - ўз уставлари ва раҳбар кадрлари таркибидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақида Федерацияни хабардор қилиб бориш;
  - Федерация таъсис этган оммавий ахборот воситалари, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотлар фаолиятига қўмаклашиш;
  - ўзлари бирлаштирган касаба уюшмалари аъзолари сони ҳақида маълумот, аъзолик бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни белгиланган шакл ва тартибда Федерацияга тақдим этиш.
- 3.11. Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги Федерация коллегиял органлари мажлисларида кўриб чиқилади, натижалари ва кўрилган чоралар ҳақидаги ахборот аъзо ташкилотларга юборилади.

## 4. ФЕДЕРАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

4.1. Федерация ўз фаолиятини қонунийлик, ихтиёрлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлик, ошқоралик ва очиклик, адолат, коллегиялик, бирлик, бирдамлик, қуйидан юқоригача барча даражадаги касаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйилиши, қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги, Федерация органлари қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги принципларига асосан амалга оширади.

### 4.2. Федерациянинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- аъзо ташкилотлар;
- Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вилоятлари (кейинги ўринларда “Худудий кенгаш” деб юритилади);
- Федерациянинг штатдаги ходимлардан иборат аппарати.

### 4.3. Федерациянинг органлари:

- Федерация Курултойи – Федерациянинг олий раҳбар органи;



- Федерациянинг Бош кенгаши (кейинги ўринларда "Бош кенгаш" деб юритилади) – қурултойлар оралигида Федерациянинг доимий ҳаракатдаги коллегиял раҳбар органи;

- Федерациянинг Ижроия қўмитаси (кейинги ўринларда "Ижроия қўмита" деб юритилади) – Федерация фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи;

- Федерация раиси – фаолиятини яккабончилик асосида амалга оширувчи ижро органи.

- Назорат-тафтиш комиссияси – Федерациянинг коллегиял назорат органи.

4.4. Федерация органлари, Федерация раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати 5 йил.

Қурултойлар оралигида Федерация органлари таркибига сайланган аъзоларнинг, шунингдек Федерация раиси ва унинг ўринбосар(лари), Назорат-тафтиш комиссияси раиси лавозимларига сайланган шахсларнинг ваколат муддати навбатдаги Қурултойгача.

Навбатдаги Қурултойни чақириш имконияти бўлмаган тақдирда (фавқулодда ҳолатлар, карантин эълон қилинганда ва бошқа узрли сабаблар) Федерация органларининг, Федерация раиси ва унинг ўринбосарларининг, Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ваколат муддати ўз-ўзидан узайтирилган ҳисобланади. Бу муддат бир йилдан ошishi мумкин эмас.

#### 4.5. Федерация Қурултойи.

4.5.1. Федерация Қурултойи беш йилда камида бир марта ўтказилади. Қурултой Бош кенгаш қарори билан чақирилади. Уни чақириш, вакиллик нормаси ҳамда кун тартиби тўғрисида Қурултой очилишидан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Қурултойга делегатларни сайлаш тартиби Бош кенгаш томонидан белгиланиши мумкин.

4.5.2. Навбатдан ташқари Қурултой Бош кенгаш ташаббуси билан ёки аъзо ташкилотларнинг камида учдан икки қисмининг талабига биноан чақирилади. Бош кенгашнинг навбатдан ташқари Қурултойни чақириш, вакиллик нормаси, кун тартиби тўғрисидаги қарори унинг очилишидан камида 15 (ўн беш) кун олдин эълон қилинади.

4.5.3. Қурултой ҳужжатлари – қарорлар, резолюциялар, мурожаатномалар, баёнотлар, декларациялар шаклида қабул қилинади.

4.5.4. Федерация раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари (жамоатчилик асосидаги ўринбосарлардан ташқари) Федерация Назорат-тафтиш комиссияси раиси Федерация Қурултойининг делегатлари ҳисобланадилар.

#### 4.6. Қурултой ваколатлари:

##### 4.6.1. Қурултой куйидаги ваколатларга эга:

- Федерацияни қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- Устав ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга қўшимчалар киритиш;



- Федерация Бош кенгаши ва унинг Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни эшитиш ва уни тасдиқлаш;

- Федерация раисини, Бош кенгаш аъзоларини сайлаш, белгиланган квотага мувофиқ аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан тўғридан-тўғри вакил йўллаш принципига биноан сайланган Бош кенгаш аъзолари ваколатларини тасдиқлаш.

- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш, унинг низомини тасдиқлаш;

- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш;

- касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегиясини белгилаш ва бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, баёноتلар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- Федерация мол-мулкига эгаллик қилиш ва уни тўлиқ тасарруф этиш. Қурултой оралигида мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгаллик қилиш ва тасарруф этиш бўйича қарорлар Бош кенгаш, унинг мажлислари оралигида эса Ижроия қўмита томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ушбу банднинг 1-, 2- (Устав ва дастурий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан ташқари), 3-, ва 6- дефисларида қайд этилган масалалар Қурултойнинг мутлақ ваколатига киради.

Қурултой Федерация фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ҳар қандай, жумладан Бош кенгаш, Ижроия қўмита ва Федерация раиси ваколатига кирадиган, масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишга ҳақли.

#### 4.6.2. Қурултойда Федерациянинг Фахрий президенти сайланиши мумкин.

Бош кенгаш қурултойлар оралигида Федерациянинг Фахрий президентини сайлаш ҳуқуқига эга.

Бир вақтнинг ўзида фақат битта Фахрий президент бўлиши мумкин.

4.6.3. Қурултой қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.6.4. Қурултой ўзининг мутлақ ваколатларига кирмайдиган масалалар юзасидан ваколатларни Бош кенгашга, Ижроия қўмитага, Федерация раисига бериши мумкин.

#### 4.7. Федерациянинг Бош кенгаши.

4.7.1. Аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлар Бош кенгаш таркибига тенг миқдорда – иккитадан вакилни тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқига эга.

4.7.2. Вакиллари Бош кенгаш таркибига сайлаш, уларни чақириб олиш ва янгиларини сайлаш Федерацияга аъзо ташкилотларнинг қурултойлари, ҳудудий кенгашларнинг конференциялари, уставада (низомида) назарда тутилган ҳолларда бошқа ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

4.7.3. Бош кенгаш таркибига аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан тўғридан-тўғри сайланган вакиллар, Қурултойда сайланган аъзолар, шунингдек лавозимига кўра Федерация раиси ва унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари киради.

Бош Кенгашнинг сон жиҳатдан таркибини Қурултой белгилайди.



4.7.4. Бош кенгаш мажлиси заруратга кўра, аммо бир йилда камидан бир марта чакирилади.

4.7.5. Бош кенгашнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- уставда белгиланган вазифаларни ва Федерация Курултойининг қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

- Федерация мүлкига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралигида мазкур ваколат Ижроия қўмита томонидан амалга оширилади);

- лозим бўлганда Федерацияга аъзо ташкилотлар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадални миқдори, тўлов тартиби ва муддатини белгилаш;

- Курултой чакириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Бош кенгаш аъзолари ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг Федерация органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;

- аъзо ташкилот томонидан Федерация таъсис ҳужжатлари, унинг раҳбар органлари қарорлари бажарилмаган, аъзолик бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган ҳолларда ушбу ташкилотга хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва унинг вакилларини Федерациянинг коллегиял органлари мажлисларида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аъзо ташкилотнинг тегишли сайлаб қўйиладиган органларига мазкур ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўриш юзасидан муурожаат қилиш;

- Федерация тизимида ягона молиявий сиёсатни белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Курултой оралигида заруратга кўра ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Ижроия қўмитанинг сон таркибини белгилаш ва унинг аъзоларини Бош кенгаш ваколати муддатига сайлаш;

- Курултойлар оралигида Бош кенгаш аъзоларини таркибдан чиқариш, сайлаш ва Бош кенгаш таркибига аъзо ташкилотлар ва ҳудудий Кенгашлардан янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш, лозим бўлганда аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашлардан Бош кенгаш таркибига вакиллик меъёрига, Бош кенгашнинг сон жиҳатидан таркибига ўзгартириш киритиш;

- Федерациянинг халқаро фаолияти стратегиясини белгилаш, унинг бошқа, жумладан, халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларига аъзо бўлиши ва улардан чиқиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш, Федерация ва аъзо ташкилотларнинг халқаро фаолияти принципларини белгилаш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Федерацияга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ёки уни аризасига асосан чиқариш Ижроия қўмита томонидан рад этилган ҳолларда мазкур аризаларнинг апелляциясини кўриб чиқиш;

- Федерация раиси ўринбосарларини, шу жумладан, бириктирилган раиснинг раиси сайлаш ва лавозимидан озод қилиш (Бош кенгаш мажлислари оралигида Федерация



раиси ўринбосарларини сайлаш масаласи Ижроия кўмитга томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин);

- зарурат тутилганда (жумладан, раис бошқа ишга ўтгани, саломатлиги ёмонлашгани, истеъфога чиққани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолганда) Курултойлар оралигида Федерация раисини лавозимидан озод қилиш ва янги раисни сайлаш (бунга зарурат бўлмаганда эса унинг вазифасини биринчи ўринбосар бажаради);

- ҳудудий кенгашларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Федерация Бош кенгаши ва Ижроия кўмитасининг иш тартиби (регламенти)ни тасдиқлаш;

- Устав талабларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бош кенгаш ўз фаолиятида фақат Федерация Курултойига 5 (беш) йилда камидан бир марта ҳисобот беради.

4.7.6. Ўзининг айрим ваколатларини Ижроия кўмитга, шунингдек, Федерация раисига бериши мумкин.

4.7.7. Бош кенгаш мажлислари Ижроия кўмитга қарорига ёки Бош кенгаш аъзолари умумий сонининг камидан учдан бир қисмининг талабига кўра чақирилади.

4.7.8. Бош кенгаш ҳужжатлари қарор, резолюция, баёнот ва мурожаатномалар шаклида қабул қилинади.

4.7.9. Бош кенгаш мажлисларини Федерация раиси, Федерация раиси иштирок этмаган ҳолларда эса Федерация раисининг биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаганда ўринбосарларидан бири олиб боради.

#### 4.8. Ижроия кўмитга.

4.8.1. Ижроия кўмитга аъзолари Бош кенгаш мажлисида Бош кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

4.8.2. Федерация раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўра Ижроия кўмитга аъзоси ҳисобланади.

4.8.3. Ижроия кўмитга мажлиси заруратга қараб, аммо ҳар чоракда камидан бир марта ўтказилади.

#### 4.8.4. Ижроия кўмитанинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- иш берувчиларнинг республика бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ижтимоий-иқтисодий сўбат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи Бош жамоа келишувини лойиҳасини тасдиқлаш;

- меҳнатқашларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қонулар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- қасаба уюшмаларининг иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши



жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш;

- Федерациянинг меҳнат инспекциясини тузиш ва унинг Низомини тасдиқлаш;

- ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кенг янгиликларни шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракатига доир бошқа муҳим масалалар бўйича қарорлар, резолюциялар, баёнотлар, мурожаатномалар қабул қилиш;

- ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиядаги Федерациянинг мухтор вакиллари таркибини тасдиқлаш, комиссия билан ҳамкорлик қилиш;

- Бош кенгаш мажлисини чақириб, унинг кун тартиби ва ўтказиш жойи юзасидан таклифлар киритиш, муҳокама қилинаётган масалаларга оид материалларни тақдим этиш, Қурултой ва Бош кенгаш қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;

- Федерацияга янги ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек, аъзолликдан чиқиши масалалари бўйича қарор қабул қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида аъзо ташкилотларнинг фаолиятига тегишли барча йўналишлардаги ишларини мувофиқлаштириш;

- аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш мақсадида тегишли бўлимларни тузиш, уларни молиялаштириш ва шартларни белгилашга доир мурожаатларини кўриб чиқиш ва муносабат билдириш;

- аъзо ташкилотларнинг таклифлари асосида касаба уюшмалари картасини тасдиқлаш;

- Халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларини таъсис этиш, шундай бирлашмалар аъзолигига кириш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг органлари таркибига Федерация вакилларини йўллаш;

- касаба уюшмаларининг санатор-курорт, спорт, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, маданий-маърифий, кадрлар малакасини ошириш муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- касаба уюшмалари ахборот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

- айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган ва бошқа) ҳолларда Федерация раиси ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосарини лавозимидан озод қилиш;

- ҳудудий кенгашлар тўғрисида низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,

- Федерация тасарруфида ташкилотларни таъсис этиш, уларнинг уставларини (низомларини) тасдиқлаш, қайта ташкил этиш, тугатиш, фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;



- аъзо ташкилотлар, ҳудудий Кенгашлар, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар тақдимига кўра касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини Давлат мукофотлари билан мукофотлаш ҳақида тегишли органларга илтимоснома киритиш;
- Федерация мукофотлари, нишони, Фахрий ёрлиги, Фахрий унвонларини таъсис этиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва шунга муносиб деб топилган номзодларни тақдирлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- касаба уюшмасига аъзолик билетининг ягона шаклини, шунингдек, Федерация рамзини тасдиқлаш;
- касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Федерация тасарруфидаги малака ошириш муассасаларида касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, мазкур муассасалар фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштириб бориш;
- касаба уюшмаларининг ягона кадрлар стратегиясини белгилаш;
- Федерациянинг кўчмас мулки (бинолар ва иншоотлар) реестрини тасдиқлаш;
- Бош кенгаш мажлиси оралигида Федерация мулкига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шу жумладан, Федерацияга фойдаланиш учун бегараз берилган объектлардан фойдаланиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ва тасдиқлаш учун Бош кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритиш;
- Федерация тизимида маданият, дам олиш, туризм, спорт ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал ва жорий таъмирланиши, жиҳозланиши бўйича қарор қабул қилиш;
- тизимдаги ташкилотлар ходимлари ва раҳбарларини Федерация делегацияси таркибида хорижий хизмат сафарларига юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Федерациянинг касаба уюшмаси бюджети, даромадлар ва харажатлар сметаси, унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
- соғломлаштириш учун ягона иктимоний тўловдан ажратиладиган даромадлар ва харажатлар сметасини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
- молиялаштириш Федерация томонидан амалга оширилган ҳолларда ҳудудий кенгашлар томонидан тақдим этилган касаба уюшмаси бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини маъқуллаш;
- мазкур Уставда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун ўзи таъсис қилган ташкилотлар орқали талбиркорлик, капитал қурилиш фаолияти ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини олиб бориш;
- мурожаат қилинган ҳолларда ваколати доирасида Федерацияга аъзо ташкилотлар ўртасидаги низони кўриб чиқиш;
- касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш ёки бирлаштириш юзасидан аъзо ташкилотларга таклифлар киритиш;



- Федерация тизимида ҳисобот-сайлов кампанияларини ўтказиш муддатларини мувофиқлаштирган ҳолда белгилаш;

- аъзо ташкилотлар томонидан ҳисоботлар топшириш тартиби ва даврийлигини белгилаш, иш режасига мувофиқ ёки заруратта кўра, Федерация аъзо ташкилотлари, ҳудудий кенгашлар ва тасарруфидаги ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотларни тинглаш;

- ҳудудий кенгаш раиси Федерация раиси томонидан лавозимидан озод этилган тақдирда ҳудудий кенгашнинг янги раисини сайлаш кун тартиби билан кенгашнинг навбатдан ташқари Конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади;

- касаба уюшмалари фаолияти йўналишлари бўйича вақтинчалик комиссиялар, ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

- турли мақсадларга мўлжалланган жамғармаларни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Федерация ашпаратининг тузилмаси, штатлар жадвали, бўлим ва бўлинималари тўғрисидаги низоомларни ҳамда иш режасини тасдиқлаш;

- Федерациянинг меҳнат инспекторлари томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштириш ва ҳар йилнинг 1 майдан кечикмай Федерациянинг расмий веб-сайтида, зарур бўлган ҳолларда бошқа манбаларда эълон қилиш;

- Қурултой, Бош кенгаш томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни бажариш;

- Федерация раисига ўзининг айрим ваколатларини бериш.

#### 4.9. Федерация раиси.

4.9.1. Федерация раиси Федерацияга раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзиде Бош кенгаш ва Ижроия кўмита раиси ҳам ҳисобланади.

4.9.2. Федерация раиси этиб Федерацияга аъзо бўлган касаба уюшмасининг аъзоси сайланиши мумкин.

#### 4.10. Федерация раисининг ҳуқуқ ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг Устав бўйича вазифаларини, шунингдек, Федерация органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва унинг олдида ҳисобдордир;

- давлат ҳокимияти органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг) очик ҳайъат мажлисларида Федерация номидан иштирок этади;

- Федерация номидан ишончномасиз иш кўради;

- Федерация раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Федерация Қурултойи, Бош кенгаши ва Ижроия кўмитаси мажлисларини олиб боради (раислик қилади);

- Бош кенгаш ва Назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисларини ўтказишида иштирок этади;

- зарур ҳолларда Федерация номидан баёнотлар беради, тегини ташкилотларга мурожаатнома ва тақдимномалар юборади;



- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Федерациянинг иштирокisini таъминлайди;

- белгиланган тартибда Федерация билан келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолайди ёки ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва иш берувчиларнинг республика бирлашмалари билан ўзаро муносабатлар ҳақида келишувлар тузади, кейинчалик бу ҳақда Ижроия қўмитани хабардор қилади;

- белгиланган тартибда Федерация мулки ва унинг фойдаланишидаги мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни ташкил этади;

- касаба уюшмаси бюджетининг ходимлар ва уларнинг онла аъзоларини соғломлаштиришга, маданий-маърифий, туризм ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этади, Федерациянинг молиявий ҳўжалик фаолиятини таъминлайди;

- ягона ижтимоий тўловлардан ходимлар ва уларнинг онла аъзоларини соғломлаштиришга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этади ва назорат қилади;

- Федерация раиси ўринбосарларини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Бош кенгашга (Ижроия қўмитага) таклифлар киритади;

- Федерация томонидан таъсис этилган ташкилотларга умумий раҳбарликни амалга оширади;

- чет эл хизмат сафарига юборилувчилар номзодини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- Федерация номидан ишончнома беради;

- Ижроия қўмита мажлисини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрланиши юзасидан кўрсатмалар беради, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилади;

- Бош кенгаш ва Ижроия қўмита қарорларини имзолайди;

- Федерация аппарати фаолиятига раҳбарлик қилади, Федерация аппарати фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни (иш юритиш бўйича йўриқнома, ходимларнинг лавозим йўриқномалари (функционал вазифалари), ишлар номенклатураси ва ҳ.к.) тасдиқлайди;

- мазкур Уставада белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;

- Федерация номидан ҳўжалик ва бошқа турдаги шартномалар тузади;

- Федерация органлари ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради;

- ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш



тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қондабузарликларга йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳақли;

- лозим бўлганда кўриб чиқилиши шарт бўлган, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар ва ёзма сўровлар юбориши мумкин;

- Федерацияга аъзо ташкилотлар, Федерация ҳудудий кенгашларининг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга;

- Федерациянинг Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари (кейинги ўринларда Ҳудудий кенгаш деб юритилади) Конференциясида сайланган ҳудудий кенгаш раисини лавозимга тасдиқлаш тўғрисида фармойиш чикаради.

Ҳудудий кенгаш раисига нисбатан иш берувчи ҳисобланади.

Конференциянинг ҳудудий кенгаш раисини сайлаш тўғрисидаги қарори билан келишмаган тақдирда Конференцияга ўзининг асосланган эътирозларини юбориб, қайта сайлов ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолда қайта сайлов Федерация раисининг эътирози олинган кундан кейин 15 (ун беш) кундан кечикмай ўтказилиши шарт. Ушбу тартибда ўтказиладиган сайловда, раислик лавозимига тасдиқлаш рад этилган шахс қайта сайловга қўйилиши мумкин эмас.

Лозим бўлганда ҳудудий кенгаш раисини лавозимдан озод этади ва бу тўғрисида Федерациянинг Ижроия қўмитасига ҳудудий кенгаш раисини сайлаш кун тартиби билан навбатдан ташқари Конференция чақиритиш учун таклиф киритади.

- Федерация аппарати ходимлари, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарлари (агар уларнинг низомларида назарда тутилган бўлса раҳбар ўринбосарлари ва бош ҳисобчилари) билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, уларга рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш тўғрисида ва бажарилиши шарт бўлган қонуний фармойишлар чикариш ҳуқуқига эга;

- банк ва бошқа молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга;

- ўзининг айрим ваколатларини ўринбосарларига, ҳудудий кенгашлар раҳбарларига, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарларига бериши мумкин.

#### 4.11. Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси.

4.11.1. Назорат-тафтиш комиссияси Федерациянинг коллегиял назорат органи бўлиб, Федерация тизимидаги ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, Федерация устави, Федерация органлари қарорлари ижросини текширади, тафтишдан ўтказди ва назорат қилади.

4.11.2. Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақил бўлиб, йўриқ-таълим олдирди ҳисобдордир.



4.11.3. Назорат-тафтиш комиссияси Бош кенгашнинг ваколат муддатига тенг муддатта Курултойда сайланади. Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти Курултой қарорига кўра ёки Федерациянинг фаолияти тўхтатилган тақдирда тўхтатилади.

4.11.4. Ўз фаолиятида мазкур Устав ва Курултой томонидан тасдикланадиган Назорат-тафтиш комиссиясининг низомига амал қилади.

Федерация Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзоси Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

#### 4.12. Федерация аппарати.

4.12.1. Федерация аппарати Федерация органларининг қарорларини амалга ошириш ҳамда Федерация раисининг топшириқларини бажариш мақсадида шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

4.12.2. Худудий кенгашлар Федерациянинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмалари ҳисобланиб, тегишли маъмурий-худудий тузилмаларда Федерация манфаатларини ифодалайди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.12.3. Худудий кенгашлар Бош кенгаш қарори билан тузилади ёки тугатилади ва ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ижроия қўмита томонидан тасдикланадиган Низом асосида амалга оширади. Худудий кенгашларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг раҳбар органларига доир талаблар, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби ушбу низомда белгиланади.

### 5. ФЕДЕРАЦИЯ ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. Федерация Курултойлари уларга сайланган делегатлар умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.2. Бош Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлислари аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.3. Федерация органлари қарорлари, агар мазкур Уставда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, катташаётган делегатлар ёки аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли Федерация органлари аъзолари томонидан белгиланади.

5.4. Федерация органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилади.

5.5. Федерация коллегиял органларининг иш тартиби Бош кенгаш томонидан тасдикланадиган Регламент асосида белгиланади.

5.6. Зарур ҳолларда Федерациянинг Курултойи, Бош кенгаши ва Ижроия қўмитаси мажлислари видеоконференцалоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

5.7. Тезкор равишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича Бош кенгаш ва Ижроия қўмита қарорлари уларнинг лойиҳаларига розилик бергич (яъни)



қўйиш орқали, жумладан, электрон рақамли имзо, почта, телеграф, телетайп, факс, электрон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

## 6. МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Федерациянинг мулки ва маблағлари аъзолик бадалларидан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ягона ижтимоий тўловдан йўналтирилган ажратмалар, қонуларда белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа фаолиятдан олинган, Устав мақсадларига йўналтирилувчи даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва ҳомийлик маблағлари, қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

6.2. Федерация қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиш ва келгусида улардан касба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланиш мақсадида, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, хўжалик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, сугурта компанияси ва акциядорлик жамиятлари, мақсадли жамғармалар ва бошқа ташкилотларни ташкил этиши мумкин. Мазкур фаолиятдан тушган даромад аъзолар ўртасида тақсимланмайдиган ва Устав мақсадларига сарфланади.

6.3. Федерация мулкий объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизмлар, жихозлар, транспорт ва техник воситалар, инвентарлар, маданий-маърифий, таълим, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мулк, тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, корхоналар ва хўжаликлар, оммавий ахборот воситалари, босмахоналар, интеллектуал мулк, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мол-мулклар кирadi.

Федерация мулкининг шаклини ўзгартириш, тасарруф этиш масаласи қонун билан ўрнатилган тартибда, мазкур Уставада белгиланган ваколатлар доирасида Федерация органлари томонидан ҳал этилади.

6.4. Федерациянинг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

6.5. Федерация мулкка нисбатан қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, қўшимча ва молиявий ёрдам маблағларини ажратишга, ўз мулкини ажратиб беришга, мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга, соғинишга, мулкни гаровга қўйишга, ундан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли.



6.6. Федерация мулкни ишончли бошқарув учун бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) берилиши, мулкий ҳуқуқларнинг ўтишига асос бўлмайди, ишончли бошқарувчи Федерация манфаатларини ҳисобга олиб, мулкни бошқариши керак.

6.7. Федерация аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек, аъзо ташкилотлар Федерациянинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

6.8. Аъзо ташкилотлар Федерацияга берган мол-мулкига ва аъзолик бадалларига эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмайдилар.

6.9. Федерациянинг асосий воситалари, пул, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари бўлмиш мол-мулкни унинг тасарруфидаги ташкилотларга оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилди ва Федерация ваколатли органининг розилигисиз сотилиши, ҳадя қилиниши, бегараз берилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши мумкин эмас.

## 7. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7.1. Федерацияни қайта ташкил этиш, (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор Федерациянинг Қурултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Қурултойда қатнашаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

7.2. Федерацияни қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.3. Федерацияни тугатиш ҳақида Қурултой томонидан қарор қабул қилинган тақдирда Федерация Қурултойи қонунчилиқда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредитдорлар талаби қановатлантирилгандан сўнг қолган мулкни Федерация уставига мувофиқ қайси мақсадга йўналтирилиши белгилайди.

7.4. Федерация фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Федерацияни тугатиш қонунда белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Федерациянинг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

7.5. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

8.1. Федерация органларига, Федерациянинг сайлаб қилинган лавозимларига сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан ўқод этилган шахслар, шунингдек, Федерация аппарати ходимлари билан муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.



8.2. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан ваколат муддатига (мазкур уставнинг 4.4.-банди биринчи ва иккинчи қисмлари қондаларини эътиборга олган ҳолда) меҳнат шартномалари тегишли орган ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.3. Федерация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

8.4. Федерация юридик шахс ҳисобланиб, ўз муҳри, штамп ва бланклари, банкларда ўз ҳисоб рақамларига (шу жумладан, миллий ва хорижий валютада) эга.

8.5. Федерация белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рамзлари (тимсоли)га эга бўлиши мумкин.

8.6. Федерациянинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставда белгиланган ваколатлар доирасида Федерация органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

8.7. Устав қондалари талқинини бериш Бош кенгашнинг, унинг мажлислари оралиғида Ижроия қўмитанинг мутлақ ваколатига киради.

8.8. Уставга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади.

8.9. Мазкур Устав талабларини бажариш Федерация тизимидаги ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу Устав қондаларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

8.10. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилишда бўйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Юқори турувчи орган бўйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг қонун ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегнал органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақирishi мумкин.

8.11. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи органнинг қонун ва Устав талабларига зид қарорлари юқори турувчи орган томонидан қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

8.12. Федерация билан аъзо ташкилотлар, аъзо ташкилот билан ҳудудий кенгаш, шунингдек, аъзо ташкилотлар ўртасидаги ушбу устав ҳамда аъзо ташкилотнинг (ташкилотларнинг) Уставларини қўллаш, уларнинг талқини борасида юзага келадиган баҳсли масалалар Ижроия қўмитанинг қарори билан тузиладиган апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси

  
Қ.Рафиков





*Handwritten text in blue ink, possibly a signature or name, written vertically on the right side of the stamp area.*

